Ушбу сонда:
2 «Ишонч» бонг уради — ИШ ҲАҚИНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?
3 TV — ДАСТУРИ
4 Термизнинг 2500 йиллигига — ТАРИХИНГДИР МИНГ АСРЛАР...

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 29 март, жума №51 (1268)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

**_Фарғона туманидаги Чимён қишлоғида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан нуронийлар учун янги сиҳатгоҳ фойдаланишга топширилди._**

Миллий меъморчилик ва замонавий архитектура андозалари услубида қурилган икки қаватли сиҳатгоҳ бирйўла 24 нафар кексага хизмат кўрсатади.

Янги сиҳатгоҳ «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси ҳомийлигида қуриб битказилди. Унда дам олувчилар кўнгилли ҳордиқ чиқариши, тиббий муолажа олиши учун барча шароит яратилган.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

# 2002-2004 ЙИЛЛАРДА УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ПРИБОРЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

***Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан 1999-2004 йилларда уй-жой фондини сув ва газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашнинг тасдиқланган дастурида назарда тутилган газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш топшириқлари бажарилмаган.***

***Янгидан қурилган ва реконструкция қилинган уй-жойларни газни ҳисобга олиш приборларисиз фойдаланишга қабул қилиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Сув ва газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқариш дастури топшириқлари мутлақо қониқарсиз бажарилмоқда. 1999-2001 йилларда республикада Дастурда белгиланган топшириқнинг 7 фоизи ҳажмида газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқарилган.***

***Табиий газдан самарали ва оқилона фойдаланиш, уни истеъмол қилишни ҳисобга олиш даражасини ошириш, ҳамма жойда барча газ истеъмолчиларини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. Қуйидагилар:

2002-2004 йилларда республика ҳудудлари бўйича газлаштирилган уй-жой фондини (квартираларни ва якка тартибдаги уйларни) газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш ҳамда республика корхоналарида газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқариш жадваллари;

газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқараётган корхоналарда газни ҳисобга олиш приборларига сервис хизмати кўрсатиш ва уларни таъмирлаш тармоқларини барпо этиш топшириғи;

газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, уларни квартираларда ва якка тартибдаги уйларда ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом;

газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаган тақдирда аҳолига коммунал-маиший эҳтиёжлар учун бериладиган табиий газнинг ойлик сарфи нормаси тасдиқлансин.

«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш жадвалини бажариш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

2. Белгилансинки:

газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш ҳамда квартираларда ва аҳолининг якка тартибдаги уйларида ўрнатиш «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

тегишлилигидан қатъи назар, квартираларда ва аҳолининг якка тартибдаги уйларида ўрнатилган газни ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси томонидан амалга оширилади;

газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳоллари аниқланган тақдирда айбдор шахслар амалдаги қонунчиликка мувофиқ жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортиладилар.

3. Газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилмаган янгидан қурилган кўп квартирали (реконструкция қилинган, мукаммал таъмирланган) уйларни фойдаланишга қабул қилиш ва якка тартибдаги уйларни табиий газга улаш тақиқлансин.

Газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозланмаган квартиралар ва якка тартибдаги уйларга 2005 йил 1 январдан бошлаб газ етказиб берилмасин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси билан биргаликда газлаштирилган уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш жадвалининг бажарилишини таъминловчи Тадбирлар дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

5. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, уларни квартираларда ва якка тартибдаги уйларда ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги тасдиқланган Низом асосида газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш бўйича намунавий шартномани белгиланган тартибда икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда томонларнинг жавобгарлиги юзасидан қаттиқ чораларни назарда тутсин.

Белгилаб қўйилсинки, истеъмолчи (аҳоли) ва газ етказиб берувчи ўртасида тузилган газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш бўйича шартнома шартларининг бузилиши белгиланган тартибда судга даъво аризалари бериш учун асос ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг республика минтақаларида квартираларни ҳамда якка тартибдаги уйларни газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш учун имтиёзли кредитларни, шу жумладан Испания давлат кредит агентлигининг кредитини жалб этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хизмат кўрсатувчи тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда Испания томони билан контракт лойиҳасини келишиб олсин ҳамда унинг асосида уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларини белгиланган тартибда тайёрласин ва экспертизадан ўтказсин.

7. 2002-2004 йилларда қуйидагилар:

газлаштирилган уй-жой фондини (кўп квартирали ва якка тартибдаги уйларни) газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш жадвали доирасида Ўзбекистон Республикасига келтирилаётган газни ҳисобга олиш приборлари, шунингдек импорт бўйича харид қилинадиган якка тартибда фойдаланиладиган иситиш қозонларининг хавфсизлик автоматикаси ва тартибга солиш автоматикаси, газгорелка жиҳозлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқарувчиларга етказиб берилаётган бутловчи материаллар божхона тўловлари тўлашдан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг корхоналари аҳолига газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш ва монтаж қилиш хизматлари бўйича, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқарувчилари ўзлари ишлаб чиқарган газни ҳисобга олиш приборларини «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонасига сотиш бўйича қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 28 март





*Самарқандда «СамКочАвто» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси иш бошлаганига уч йил тўлди. Мазкур заводнинг ишга туширилиши мамлакатимизда автомобил саноатини ривожлантириш йўлида қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди.*

*Қўшма корхона асосан ўрта ҳажмдаги автобуслар ҳамда юк машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўтган давр мобайнида бу ерда қарийб бир ярим мингта тўрт хил русумдаги автобус ҳамда юк машиналари ишлаб чиқарилди. Ушбу автомобиллар ўз харидорини топмоқда.*

***Суратларда: темирсозлик цехи операторлари Бекзод Раҳмонқулов, Комил Қаршиев ва Ҳамза Даминов; автоуловлар тайёрлаш жараёни.***

***Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.***

*Қарор ва ижро*

## 2. ОРОЛБЎЙИ: РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК

Вазирлар Маҳкамасининг Қароридан сўнг «Она ва бола скрининги» республика маркази фаолиятида бирмунча силжишлар рўй берди. 19355 гўдак кўрикдан ўтди. 2528 бўлажак она текширилганда ҳомилада нуқсонлар борлиги аниқланди ва тегишли даволаш-профилактик ишлари олиб борилди. Болалар орасида дифтерия, сил, полиомиелит, қанд диабети касалликларининг олдини олиш учун шошилинч муолажалар ўтказилди.

ЮНИСЕФ ташкилоти ёрдами билан Нукус шаҳри ва Шуманай туманида ош тузини йодлайдиган ускуналар ўрнатилди.

Оролбўйи шароитида ногиронликнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Йил давомида улардан 15,6 фоизи реабилитация қилинганлиги тармоқда ишлар суст кетаётганлигини кўрсатиб турибди.

Нукус шаҳри, Шуманай, Хўжайли, Беруний туманлари аёллари ўртасида ўтказилган «Она сутининг аҳамияти» мавзусидаги мулоқотларни республиканинг олис қишлоқлари ва маҳаллаларида ҳам уюштириш лозимлигини кўрсатиб турибди. Вазирлар Маҳкамаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги туғилиш, оналар ва чақалоқлар ўлими даражаси юқори бўлган туманларда акушер-гинеколог кадрлар таркибини мустаҳкамлаш, уларни зарур тиббий асбоб-анжомлар, замонавий препарат ва воситалар билан таъминлашни яхшилаш чораларини кўришлари керак.

Оролбўйи аёллари ва болалари соғлиғини мустаҳкамлаш касаба уюшмаларининг доимий эътиборида. Жорий йилда ҳам кўп фарзандли оналарга санаторийларга йўлланмалар бериш, болаларни республикамизнинг боҳаво дам олиш масканларида соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш керак бўлади. Ана шундагина аҳолининг репродуктив саломатлиги янада мустаҳкамланади.

**ЁЛҚИН.**

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### КАТТА АНЖУМАН

Ўтган чоршанба куни Лубнон пойтахти Байрут шаҳрида Араб Давлатлари Лигаси (АДЛ) ҳомийлигида катта анжуман очилди. Унда 19 мамлакат вакиллари иштирок этмоқда. Мазкур саммитнинг асосий вазифаси Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнини ижобий йўлга солиш, хусусан, Исроил билан Фаластин мухторияти ўртасидаги қонли можароларга чек қўйиш имкониятларини юзага чиқаришдан иборат. Ушбу йиғинда Саудия Арабистони валиаҳди Абдуллоҳнинг тинчлик муаммоларига дахлдор ташаббуси алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Аммо анжуманда Фаластин раҳбари Ёсир Арофат иштирок этмаётир. Чунки Исроил томони унга сафар қилиш учун ижозат бермади. Барибир, Ё.Арофат «Ал-Жазира» телерадиокомпанияси журналистлари ёрдамида Байрут билан боғланишга ва унинг иштирокчиларига мурожаат қилишга муваффақ бўлди.

### ФАЗОВИЙ КЕМА УЧИРИЛДИ

Хитойнинг фазони ўрганиш бўйича олимлари янги қадам қўйдилар. Яқинда Гансуа вилоятидаги Цзюцюань космодромидан «Илоҳий юриш» туркумидаги бошқарувчисиз парвоз қиладиган фазовий кема учирилди. Коинотни тадқиқ этишга мўлжалланган «Шэньчжоу-3» фазога йўналтирилди. Эслаб ўтиш жоизки, «Шэньчжоу-1» 1999 йилнинг ноябрида, «Шэньчжоу-2» эса ўтган йилнинг январида учирилган эди. Мазкур аппаратларнинг асосий вазифаси инсоннинг вазнсизлик ҳолатидаги аҳволотини ўрганишдир. Демак, яқин истиқболда Хитой вакили коинотда пайдо бўлиши мумкин.

### МЕҲМОНХОНАДАГИ ФОЖЕА

Ал-Қуддус шаҳрининг чеккасидаги меҳмонхоналардан бирининг ресторанида катта фожеа юз берди. Яҳудийлар ўзларининг диний байрамлари — рўзани нишонлаш учун йиғилган пайтларида номаълум йигит ичкари кириб, кучли қувватга эга бўлган қўлбола бомбани портлатди. Натижада ўнлаб одамлар ҳалок бўлди, 150 дан зиёд киши жароҳатланди.

Ушбу фожеани уюштиришда Фаластиндаги террорчи гуруҳлардан бири «Ал-Ақса» гумон қилинмоқда. Лекин ҳозирча бу мудҳиш хуружни бирон-бир гуруҳ бўйнига олганича йўқ.

### АФҒОНИСТОНДА ЗИЛЗИЛА

Афғонистон шимолидаги Боғлон минтақасида катта зилзила содир бўлди. Унда 2000 кишидан кўпроқ одамлар ҳалок бўлди, 3000 дан ортиқ фуқаролар жароҳатланди, минглаб кишилар эса бошпанасиз қолди. Ушбу фожеа муносабати билан жаҳондаги қатор мамлакатларнинг раҳбарлари Афғонистон халқига ҳамдардлик билдирмоқда. Куни кеча муваққат ҳукумат раҳбари Ҳамид Карзай бутун Афғонистон бўйича умуммиллий мотам эълон қилинганлигини айтди. Айни пайтда дунёнинг турли мамлакатларидан инсонпарварлик ёрдамлари келиб турибди.

### САБАБИ АНИҚ БЎЛДИ

1999 йилнинг 31 октябрида Нью-Йорк шаҳридан Қоҳира томон учаётган Миснинг EguptAir авиакомпаниясига қарашли фуқаролар самолёти ҳалокатга учраган эди. Ўшанда 217 киши ёруғ дунёдан бевақт кўз юмганди. Орадан анча вақт ўтди. Ҳалокатнинг сабаби энди аниқ бўлди. АҚШнинг транспорт воситаларида хавфсизликни таъминлаш Миллий қўмитаси маълумотларига қараганда, Массачуетс штати қирғоқларидаги ушбу террорчиликни самолётнинг иккинчи учувчиси Жамол Ал-Батутий амалга оширган. «Қора кути»лардаги ёзувлардан маълум бўлдики, ҳалокат пайтида бошқарув пультида Ж.Ал-Батутийнинг ёлғиз ўзи бўлган.

**Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.**

*Эл рўзғори бозор билан*

# СОТУВДАН ТЎХТАТИЛДИ

***Халқимизда эл рўзғори бозор билан, деган нақл бор. Айнан топиб айтилган гап. Сабаби рўзғордаги кам-кўстлар бозорда битади. Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида деҳқон ва буюм бозорларига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Мавжуд бозорларни таъмирлаш, янгиларини қуриш ишлари кўлами кенгайди. Савдо маданиятини ошириш, сотувчи ва харидор учун қулай шароитлар яратиш чоралари кўрилди.***

Бугунги кунда вилоятимизда 16 та деҳқон бозори, 14 та мол бозори, 4 та эҳтиёт қисмлар бозори, ярмаркалар фаолият кўрсатаяпти. Кейинги йилларда Урганч шаҳрида 3,5 минг савдо ўринли универсал бозори, Хазораспда 280 ўринли эҳтиёт қисмлар бозори, Гурлан деҳқон бозорида 260 ўринли, Боғот деҳқон бозорида эса 320 ўринли янги савдо расталари бунёд этилди. Юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини назорат қилиб бориш мақсадида 12 та йирик бозорда давлат солиқ инспекцияларининг таянч пунктлари ташкил қилинди. Уларга 37 нафар солиқчи жалб этилган.

Солиқ хизмати ходимларининг ташаббуси билан бозорларда ташкил этилган радиоузеллардан кенг фойдаланилмоқда. Бозор инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган Президентимиз Фармонлари ва Ҳукумат қарорлари, солиқ қонунчилигидаги янгиликлар ва ички тартиб-қоидалар, профилактик чиқишлар алоҳида аудио-кассеталарга ёзиб олиниб радиоузеллар орқали такрор ва такрор эшиттирилаяпти. Қўйилаётган янги талаблар шу тарзда харидор ва сотувчи онгига етказилаяпти.

Бундан ташқари, таянч пункти ходимлари бозорларда савдо қоидаларига қандай амал қилинаётганлиги, мажбурий тўловларни йиғиш ва топшириш ишларининг аҳволини ҳам жиддий назорат қилиб бормоқдалар. Кейинги ойларда улар 510 марта текширув ўтказиб, бир талай камчиликларни аниқладилар. Ҳуқуқбузарликка йўл қўйган 326 нафар фуқарога нисбатан тўпланган материаллар қонуний чора кўриш учун судларга юборилди.

Патта тушумларини ундириш юзасидан бозорлар маъмурияти фаолияти ўрганиб чиқилганда айрим қўли эгри назоратчиларнинг сири очилиб қолди. Текширувлар жараёнида 16 ҳолатда 5,6 минг сўм камомадга йўл қўйилганлиги ва 21 ҳолатда 79,9 минг сўм ортиқча пул тўпланиб қолганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, 27 ҳолатда кўрикдан ўтмаган тош-тарозулардан фойдаланилаётганлиги аниқланди.

Солиқ хизмати ходимлари савдога чиқарилаётган маҳсулот ва товарларнинг қонунийлигини ҳам синчковлик билан текшириб бораяптилар. Шу жараёнда 2 миллион 749 минг сўмлик акциз маркасиз сигареталар, 726,7 минг сўмлик спиртли ичимликлар сотувдан тўхтатилди. Ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Таянч пунктлари фаолиятини янада кучайтириш чоралари кўрилаяпти. Кейинги ойларда Урганч шаҳар универсал бозори, Хазорасп туман буюм бозори, Қўшкўпир туманидаги «Ғазовот» бозори, Гурлан, Хива, Янгиариқ туманларининг деҳқон бозорларидаги таянч пунктларининг фаолиятини таҳлил этиб чиқдик ва амалий ёрдам кўрсатдик. Ўтказилган назорат тартибидаги текширувлар давомида Урганч шаҳар универсал бозорида 14 ҳолатда, Хазорасп туман буюм бозорида 11 ҳолатда, Қўшкўпир туманидаги «Ғазовот» бозорида 7 ҳолатда қонунбузарлик ҳолати аниқланди. Ноқонуний сотилаётган 102,7 килограмм чой маҳсулоти, 96 килограмм ўсимлик ёғи, 64 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, 40 турдаги дори-дармонлар сотувдан тўхтатилди. Патта йиғувчиларда эса 54,2 минг сўм камомад борлиги аниқланди. «Ғазовот» бозори патта йиғувчиси Қ.Ҳидировдан эса 43,2 минг сўм ортиқча пул чиқди. Ушбу ҳолат бўйича дарҳол жиноят иши қўзғатилди ва ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун Қўшкўпир туман прокуратурасига топширилди. Бозор раҳбарларининг ўз лавозимларига қанчалик муносиблиги ўрганиб чиқилди.

Ўтказилган аттестация давомида Қўшкўпир туманидаги «Ғазовот» ва Янгибозор туман деҳқон бозорлари раҳбарлари ўз лавозимларига нолойиқ деб топилди. Бозорлар муносиб кадрлар билан мустаҳкамланди.

Кўрилган ташкилий ва тарбиявий тадбирлар туфайли эндиликда бозорларнинг моддий-техника базалари мустаҳкамланиб бораяпти. Ўтган йили тушумлар бўйича режа кўрсаткичлари 114 фоизга адо этилган эди. 2002 йилнинг биринчи чораги ҳам яхши якунланди. Тушган маблағларнинг ярми бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида маҳаллий бюджетга ўтказилди. Улардан мақсадли фойдаланиш йўли билан замонавий бозорлар сони яна ҳам кўпаяди, сотувчи ва харидор учун қўшимча шароитлар яратилади.

**Ғофур РЎЗМЕТОВ,**
**Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси бозорлар фаолиятини назорат қилиш шўъбаси бошлиғи.**

*Термизнинг 2500 йиллигига*

# ТАРИХИНГДИР МИНГ АСРЛАР...

***Термизнинг милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида пайдо бўлганлиги ҳақида турли археологик топилмалар гувоҳлик беради. Асрлар давомида у ҳудудий жиҳатдан кенгайиб, йирик шаҳарлардан бирига айланди.***

Термизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ўрни айниқса, кушонлар даврида, яъни I-IV асрларда жуда юксак бўлган. Шу даврга оид Эски Термиз қальасида, Қоратепа ва Фаёзтепа ёдгорликларидаги муҳим археологик манбалар — танга пуллар, сопол идишлар, қурол-аслаҳалар, деворий ранғли суратлар, ҳайкаллар ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Қоратепадан топилган будда динига, маданиятига оид осориатиқалар чиндан-да бебаҳодир. Иншоот қолдиқлари олис ўтмишдаги аждодларимизнинг чуқур маънавияти, маданиятидан дарак бериб турибди. Будда динига оид бу меъморий мажмуа бундан 1600-1700 йиллар илгари бунёд этилган. Японялик таниқли олим, «Халқаро ипак йўли» академияси директори Като Кюдзонинг фикрича: «Қоратепадаги буддавий иншоот Марказий Осиёда топилган ана шундай ёдгорликларнинг энг йиригидир. Барча масъулиятни зиммага олиб айтаманки, бу обида жаҳон археологиясидаги ноёб ва нодир саҳифадир».

Эски Термиз яқинидаги Фаёзтепада олиб борилган қазилма ишлари давомида эрамизнинг I-IV асрларига оид ёдгорликлар намуналари — Будда ҳайкали, уч қисмдан иборат ибодатхона, буддавийлик билан боғлиқ суратлар, ёзувлар, қадимий тангалар топилган. Айниқса, I-II асрларга оид Будда тасвири туширилган бўртма киши диққатини ўзига тортади. Бу ўз атрофида роҳиблар билан бирга акс эттирилган Будданинг ягона машҳур тасвири бўлиб, у жанубий Ўзбекистонда мўл-кўл бўлган мармарсимон оҳактошдан ишланган. Маҳаллий ҳайкалтарошлик учун ғайритабиий бўлган устунсимон қурилма композицияси услубида ишланган.

Қоратепадан 2000 йилда топилган оқ мармартошдан тайёрланган устун-кошин ҳам юксак маҳорат намунасидир. Ундаги нақшлар кишини ҳайратга солади. Бу устунда маҳаллий бақтр, финганҳар ва юнон маданияти анъаналари мужассамлашган. Бу эса, олис аждодларимизнинг маънавий, маданий даражаси нечоғлик юксак бўлганлигидан далолат беради.

Бақтрия Кушонининг санъатига оид ғоят юксак дид билан ишланган намуналар қаторига Айритом ҳошияси деб номланган асарни киритиш мумкин. Бу деворий ҳайкалтарошлик композицияси Айритом эски шаҳри ўрнида мавжуд бўлган йирик мажмуаси безагига киритилган. Йирик меъморий безак деворларида доира, най, ногора, уд чалаётган ярим гавдали созандалар, шунингдек, қўлларида идишлар, гулчамбарлар ва мева-чевалар кўтариб келаётганларини кўриш мумкин. Дунёга машҳур бўлган бу обида маҳаллий бақтрия, эллин ва ҳайкалтарошлик санъатининг бошқа услубларининг уйғунлашганлигини намоён этади.

Термиз шаҳри Буюк ипак йўлининг жанубий тармоқларида муҳим ўрин тутиб, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва Олд Осиё каби тарихий-маданий ўлкалар билан ўзаро савдо алоқаларида катта ҳисса қўшган.

Мутахассислар рангтасвир мактаблари турлича бўлган деб белгилашади, уларнинг ўзига хос томонлари акс эттирилган диний ёки дунёвий композициялар услубга қараб белгиланади. Болаликтепа қўрғонидаги деворий суратлар Тохаристон мактабига мансуб. Бу ёдгорлик залининг тўрт бурчак саҳнликда рангдор либослардаги эркаклар ва аёлларнинг зиёрат пайти манзараси ягона сюжетга йўналтирилган ҳолда акс этган.

Термиз ва Термиз атрофидан топилган санъат намуналари жаҳон бўйлаб кўргазмаларда намойиш этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси ноёб топилмалари Японияниг Нара шаҳрида салкам етти ой мобайнида, Швейцариянинг Цюрих шаҳрида бир ой, Франция пойтахти Парижда икки ой мобайнида намойиш этилди. Чет элларда бизнинг узоқ ўтмишимизга, бой маданиятимизга қизиқиш катта. Айниқса, япон сайёҳларини юртимиз жанубидаги икки минг йиллар аввал мавжуд бўлган диний иншоотлар жуда қизиқтиради. Улар Термизга борганларида, албатта, Айритом, Қоратепа, Фаёзтепа, Зўрмўла ва Далварзинтепадаги будда ибодатхоналари ва улардаги ноёб ҳайкал қолдиқларини зўр иштиёқ билан томоша қиладилар. Бу албатта тушунарли, чунки бу дин диёримизнинг жанубий ҳудудларига асримизнинг бошларида кириб келган бўлса, Японияда эса эрамизнинг VI-VII асрларидагина «ўртоқлашган». Баъзи япон олимлари буддавий дин Сурхондарё ерларидан Хитойга, сўнг Қурия орқали Японияга кириб келган бўлса ажаб эмас, деб ҳисоблайдилар. Шу боис бўлса керак, япон ва ўзбек олимлари ҳамкорликда Эски Термиз ва Далварзинтепада илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

Термизда жойлашган ёдгорликлар шаҳарда яшаб ўтган буюк алломалар ва олимлар, уларнинг маърифат ва инсонпарварлик мероси, Термиз шаҳрида кўп асрлар давомида ривожланган тарихий-маданий анъаналар, Ватанимиз тарихида ва жаҳон цивилизацияси тараққиётида муҳим ўрин топиб, ёшларимизни бой маънавий ва ватанпарварлик ғоялари тимсолида тарбиялашда ёрдам беради.

**Шомат САМАТОВ,**
**Термиз Давлат Университети.**

*Наврўз туҳфаси*





# ЎҚИШДАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Китоблик ёшлар қурувчилардан ажойиб совға олдилар. Қисқа муддатда қуриб битказилган маиший касб-ҳунар коллежи биноси ўз эгаларига топширилди. Уни «Қашқадарёқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамиятининг 225-механизациялашган кўчма жамланмаси ҳамда «Ҳисор» очиқ ҳиссадорлик жамиятининг қўли гул бунёдкорлари барпо этишди.

— Коллежимизда тикувчилик, котибалик иши, сартарошлик, пойабзал ишлаб чиқарувчи мутахассислар тайёрланади, — дейди директор Зубайдулло Нуриллаев. — Шунингдек, ўқувчи-ёшлар радио ва телеаппаратура жиҳозларини, ёқилғимойлаш материаллари ускуналарини таъмирлаш кўникмаларини ҳам ҳосил қиладилар.

Ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказишнинг муҳим шартларидан бири, бу жисмоний тарбиядир. Илм масканидаги спорт мажмуаси эса бугунги талабларга тўла жавоб беради. У Китоб автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси қурувчилари томонидан қурилди.

Айни пайтда бу ерда таълим олаётган талабаларга 36 нафар мураббий сабоқ бермоқда. Шулардан эътиборга моликки, ўқитувчилар туман мактабларидан танлов асосида ишга қабул қилинди. Уларнинг аксарияти олий ва биринчи тоифали мутахассислардир. Чет тили ўқитувчилари Гулчеҳра Турсунова, Сайёра Нарзуллаева, кимё фани ўқитувчиси Фароғат Ҳайдарова, тарих фани муаллимаси Лола Муродова, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Замира Бекназарова, информатика фани ўқитувчиси Шоира Бегнаевалар сабоғидан ёшлар миннатдор.

Коллеж талабалари олган назарий билимларини амалиёт билан боғлаяптилар. Чунончи, бу ерда ўтказилаётган фанлар бўйича олимпиадалар ўз самарасини бермоқда. Умумий фанлар бўйича ўтказилган олимпиадада 3 нафар ўқувчи вилоят босқичига йўлланма олган бўлса, Умид Маҳмадгазиев информатика фани бўйича ўтказилган беллашувда республика босқичига чиқди.

«Қувноқлар ва зукколар» мусобақасида илм масканининг «Илк қалдирғоч» жамоаси республика танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. «Баркамол авлод» мусобақаларида спортнинг енгил атлетика тури бўйича 2 нафар, бокс бўйича 1 нафар ўқувчи республика босқичига йўлланма олди. Зеро, кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурида кўрсатилганидек, мустақил республикамизнинг келажаги учун ҳар томонлама етук ва билимли ёшлар зарур.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**





***Суратларда: (чапдан ўнгга) 1.Она тили ва адабиёт фани муаллимаси Замира Бекназарова. 2.Мураббий Гулчеҳра Турсунова талаба Камола Эшонкуловага лингафон аппаратидан фойдаланишни тушунтирмоқда. 3.Коллеж биносининг умумий кўриниши. 4.Чет тили ўқитувчиси Сайёра Нарзуллаева (ўртада) талабалар билан.***

# АДИБ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

***Миллий матбуот марказида «Ўзбектелефильм» студиясида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлаб суратга олинган ҳужжатли фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

Мазкур фильм ёзувчининг ҳаёт, инсон, адабиёт, бадиий ижод, оила ва Ватан ҳақидаги ўйлари, мушоҳадалари асосида яратилган. Ўзбекистон Қаҳрамонлари, адиблар Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, адабиётшунос Абдуғафур Расулов ва бошқаларнинг Ў.Ҳошимов ижоди ҳақидаги фикр-мулоҳазалари жой олган.

Сценарий муаллифи Э.Усмонов, режиссёр Э.Нормуродов.

Тадбирда адиблардан Эркин Воҳидов, Шарифа Салимова, Анвар Обиджон, Азим Суюн, Сирожиддин Саййид, адабиётшунос Умарали Норматов сўзга чиқиб, фильм ижодкор фаолиятининг барча қирраларини кенг қамраб олганини таъкидлади.

**(ЎзА).**

*Қинғир ишнинг қийиғи*

***Гиёҳвандликка ружу қўйган киши чўнтагида пули қолмагач, ҳар қандай тубанликдан ҳам тап тортмаслиги ҳаммага аён. Йўлдош Отажонов ҳам шундайлардан бири бўлиб чиқди. У бор бисотини «героин»га алиштиргач, уйида егудек ҳеч вако қолмади. Нима қилиш керак, «оқ ажал» ич-ичидан кемиряпти, суякларни қақшаб сас беряпти. У Урганч шаҳар деҳқон бозори оралаб тентираб юрар экан ўлжа изларди. Ниҳоят, шу ердаги бир дўконни кўз остига олиб қўйди. Кўл урмоқчи бўлган иши бориб турган жиноят эканлигини у яхши билларди. Лекин нима қилсин, пул топишнинг бошқа йўлини «билмаса»...***

# ЖИНОЯТНИНГ ДАВОМИ ЖАЗО

Ярим тунда у ғалтак ва лом билан деворни тешиб ичкари кирди. Ҳаш-паш дегунча у ердаги ўн қоп цемент гумдон бўлди. Тушум — 17 минг сўм нимага ҳам етарди, бир ҳафтада йўқ бўлди. Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. У Урганч шаҳар 4 кичик даҳа 17-2 уй биноси олдида турган Бахтиёр Матёқубова тегишли ТИКО русумли автомашинанинг 3 та ғилдирагини, домкрат ва магнитофондан иборат жами 170 минг сўмлик мол-мулкни «бир ёқлик» қилди. Гўё ишлар юришиб кетгандек эди. Бироқ шоҳона ҳаёт, узоқ давом этмади. Ўтган йилнинг 26 сентябр куни шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари томонидан қонунга хилоф равишда гиёҳванд модда сақлашда гумон қилиниб, текширилганида, ёнидан 0,13 грамм «героин» моддаси топилди. Й.Отажонов судда айбига тўла иқрор бўлди ва тегишли жазосини олди.

Иккинчидан «қаҳрамонимиз» шаҳардаги Рўзимат Ғоибов номидаги кўчанинг 41-а уй, 6-хонадонда яшаган Мақсуд Матниёзовдир. У Йўлдошдан фарқ қилиб, анча тажрибали, пихини ёрган ўғрилардир. 3 йил озодликдан маҳрум қилинган бўлишига қарамасдан, тавбасига таянмаган, Фарҳод Собиров ва Жуманиёз Жуманиёзов билан жиноий тил бириктириб, гуруҳ ҳам тузиб олган экан.

Гуруҳ фаолияти ўтган йили 14 августда Нажмиддин Кубро кўчаси 17-уйда яшовчи Р.Матризоевнинг уйига ўғриликка тушиш ва ДЭУ маркали телевизорни ўғирлаш билан бошланади. Шундай кейин жиноий гуруҳ ўтган йил 31 август тунги соат 2 ларда Самарқанд кўчаси 101-уйда яшовчи К.Норбоевнинг уйига кириб 25 минг сўмлик гилам ва 7 минг сўмлик телефон аппаратини, эртаси куни эса улар ўғриликларини давом қилдириб, куппакундуз куни Урганч шаҳар Р.Ғоибов номли кўчаси 55-уйда яшовчи Ислом Шокировнинг эшигини бузиб, телевизорни ўғирлаб кетадилар. Орадан икки кун ўтгач, улар Нажмиддин Кубро кўчаси 61-уйда яшовчи Замира Шарипованинг уйига дераза орқали кириб, учта туркман гиламини ўғирлаб чиқишади ва Шариповага жами 900 минг сўмлик зарар етказадилар.

Булардан ташқари, гуруҳ раҳбари Мақсуд Матниёзов А.Баҳодирхон кўчасидан ўтаётиб 8-уйда яшовчи Икром Маҳмудовнинг ТИКО автомашинасининг бир ғилдирагини ҳам ўғирлаб кетади. Чиллаки чиллакини кўриб чумак урибди, деганларидек, Мақсуддан ўғирлик сирларини обдон ўрганиб олган Фарҳод Собиров айни пайтда иккинчи бир ўғрилар гуруҳи тузиб унга раҳбарлик қила бошлайди. У гоҳ Мақсуднинг гуруҳида, гоҳ ўзи тузган иккинчи гуруҳда фаолият юргизади. Фарҳоднинг гуруҳида энди Файзулла Оллақулиев, Улуғбек Джуманазаров, Баҳром Ҳайдаров каби дайдилар пайдо бўлади. Фарҳод бошлиқ иккинчи жиноий гуруҳ ўтган йилнинг 4 август куни ярим тунда Фарғона кўчаси 168-уйда яшовчи И.Нажимованинг уйидан ДЭУ аудиомагнитофонини ва телевизорини, видеомагнитофонини ўғирлаб кетади. Орадан беш кун ўтгач, Нажмиддин Кубро кўчаси 93-уйда яшовчи Х.Қодировнинг уйига тушган ўша ўғрилар ДЭУ телевизорини ва магнитофонини «ҳазм» қилиб юборишади.

Шаҳарнинг шу ҳудудида муттасил ўғирликлар содир бўлаётганлиги ички ишлар бўлими изқуварларининг диққатини ўзига жалб қилмай қолмади, албатта. Ўғрилар қўлга олиниб, одил суд олдида жавоб бериб, қилмишига яраша жазоландилар.

Урганч шаҳрида содир қилинган ўғирликларнинг яна бир сабабчиси Равшан Собировдир. Бу нусха асли Янгиариқ туманида туғилган бўлсаям асосий фаолиятини Урганч шаҳрида олиб борган. У олдин тўрт марта судланган, уйида гулдек хотини, фарзанди, ота-онаси бўлишига қарамасдан, эски одатини ташлай олмади. Дардига даво излаб, Урганч шаҳар А.Баҳодирхон номли кўча 105-уйда яшовчи Норжон Рўзиматованинг уйидан паноҳ топади ва ўзини иш излаб юрган бечора қилиб кўрсатди. Шундан кейин Рўзиматова унга янги солинишни керак бўлган иморатига ғишт қўйдирмоқчи бўлишади. Икки кун уй эгаларининг ишончини қозонган Равшан учинчи кун улар уйқаб ётган пайтда 100 минг сўмга яқин мол-мулкни ўмариб, жуфтакни ростлаб қолади. Орадан икки кун ўтгач эса Наманган кўчаси 42-уйда яшовчи Б.Қўчқорова ўзини уста деб танитириб, шу куни кечкурун 320 минг сўмлик мол-мулкини ўғирлаб кетади. Бир ҳафта ўтгач, Дўсчон Матчон номли кўчанинг 11-уйда яшовчи Т.Абдуллаеванинг калитни очиқ жойда қолдирганидан фойдаланиб, 565 минг сўмлик мол-мулкни ўмаради. Табиийки, Равшаннинг ҳам фаолияти узоққа бормади. У тегишли органлар қўйган тузоққа илинди.

**А.КАРИМОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди раисининг ўринбосари,**

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ТАДБИРКОРЛАР - КИЧКИНТОЙЛАРГА

Тадбиркорларнинг куни кеча пойтахтимизда ўтказилган анъанавий «Ташаббус-2002» республика кўрик-танловида юртимизда фаолият юритаётган ҳунармандлар тайёрлаган турли-туман ўйинчоқлар - ёғоч, пластмасса буюмлар ҳамда бежирим қўғирчоқлар кўпчиликка манзур бўлди. Миллий тафаккурнинг шаклланиши болакай кўз очган дунё билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис юртимизда миллий ўйинчоқлар яратишга жиддий эътибор берилаётгани диққатга сазовордир.

Республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳамда ҳудудий палаталар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган анжуманда ана шу ҳақда гап борди. Тадбиркорларимизнинг бу борадаги хайрли ишларини қўллаб-қувватлаш, миллий ўйинчоқлар яратиш миқёсини янада кенгайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

**(ЎзА).**

***Икром Норбоев Денов бозорига асли бозор-ўчар қилиш учун кирган эди.***

# БОЗОРДАГИ ОМАД

У нарх-наво билан танишди, кераkли нарсаларни харид ҳам қилди. Қарасаки, бир томонда ёш-яланглар, ишқибозлар "Эколот" лотореясидан олишаяпти. Лоторея ўйнагиси келиб кетди. Кўзини чирт юмди-да, иккита лотореяни 500 сўмга олди. Лоторея сотиб олиб зўр иш қилган экан, ютуққа "Дамас" автомашинаси чиқди. Шу куни Шоймардон Қобилов номли ширкат хўжалигидаги "Ҳужум" қишлоғилик йигитнинг уйида унутилмас тантана бўлди.

**"Туркистон-пресс"**

# "СУРХОН САДОСИ"НИ ТИНГЛАНГ

Термизда иш бошлаган "Сурхон садоси" радио канали ҳар куни икки соат тингловчи-мухлислар хизматида бўлади. Шу вақт давомида вилоят ва мамлакат ҳаётидаги, шунингдек хориждаги янгиликлар бериб борилади, шунингдек мухлислар куй ва қўшиқлар ҳам тинглаб борадилар.

Айтиш керакки, "Сурхон садоси"ни нафақат ўзбекистонликлар, балки қўшни Туркманистоннинг шарқий туманлари ҳамда Афғонистон давлатининг Сурхондарёга яқин бўлган вилоятлари аҳолиси тинглаш имкониятига эга. Тингловчи-мухлислар доирасининг кенглиги ҳисобга олинган ҳолда оммабоп эшиттиришлар тайёрланмоқда.

- Кейинчалик эшиттиришларимиз ҳажмини ҳар куни саккиз соатга қадар етказамиз, - деди "Сурхон садоси" радиоэшиттириш таҳририяти бош муҳаррири Дилфуза Шарипова. – Бу эса шубҳасиз, жамоамиздан ғайрат ва маҳорат билан ишлашни талаб этади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 20.30

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

***«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.***

Буюртма Г— 232. 1 2 3 4 5 6